

## “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони муборак!

☒ Келажаги буюқ ватанимиз учун соғлом ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги фидойи меҳнатлари учун ўқитувчи ва мураббийларга ҳар қанча тасаннолар айтсак, таъзим қилсак арзиди. Эл – юртимизнинг келажаги, ҳаёт – мамотини ҳал қилувчи, таълим ҳамда тарбия соҳасига бамисоли жон бағишилаётган ўқитувчи мураббийлар қудратли кучdir. Умри давомида бундай соҳада фаолият олиб бораётган устозларни мashaққатли ҳамда масъулиятли меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш олижанобликдир.

Шундай инсонлар қаторида бўлган “Ахборот технологиялари” кафедраси доценти, физика-математика фанлари номзоди Джамолов Камолиддин aka Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб – қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Васийлик кенгашининг 2019 йил 20 мартағи 6 – сонли қарорига асосан “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан мукофотланди.

Хурматли устоз Камолиддин Джамоловни сазовор бўлган мукофоти билан муборакбод этиб, узоқ умр, сиҳат – саломатлик, оиласвий баҳт тилаймиз ва ватанимиз ривожи йўлида олиб бораётган ишларига келгусида зафарлар тилаймиз.

**“СХТЭ ва Б” факультети декани ўринбосари Ж.Турдиев ахбороти  
Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**